

ҚОРАКЎЛ ҚЎЗИЛАР ЖУССАСИ ВА УНИНГ СЕЛЕКЦИЯДАГИ АҲАМИЯТИ

М.Акбарова¹

Таянч докторант

М.Алимова²

Эркин тадқиқотчи

З.Каршиев³

Эркин тадқиқотчи

¹⁻²⁻³Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти.

E-mail: uzkarakul30@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7127456>

Аннотация. Қорақўл қўзилар жуссаси ва қўзиларнинг катта-кичиклигини унинг селекциядаги аҳамиятини тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Қорақўл қўйи, маҳсулдорлик, қўзилар тирик оғирлиги, қўзилар жуссаси,

Аннотация. Представлены сведения о размерах каракольских ягнят и их значении в селекции ягнят.

Ключевые слова: Каракольская овца, продуктивность, уровень, живая масса ягнят

Кириш. Ўзбекистон чорвачилигида қорақўл қўйларининг ўрни ҳар доим салмоқли бўлган. Қорақўл зотига мансуб қўйлар чўл шароитига ўта мослиликка, уларнинг биологик хусусиятлари сабаб бўлса, қорақўлнинг мўйна сифатида дунё бозорида қадрланиши, териларнинг ранги ва жингалакларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Олимларнинг таъкидлашича, ҳайвон тирик вазнининг ошиши билан, унинг барча органлари ва тана қисмлари қатори тери сатҳи ҳам кенгайиб боради. Бу хусусият куртак ҳосил бўлишидан ҳайвоннинг ўсиши тугагунча давом этади. Демак, ҳайвонларнинг ўсишига таъсир қиладиган барча омиллар, унинг тери сатҳи кенглигига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун, мазкур кўрсаткич ҳомила давридаги шароитнинг организмга таъсир этиши жуда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қорақўл териларида гулларнинг тип ва шаклларида ташқари яна бир қатор кўрсаткичлар мавжудки, уларнинг паст даражада намоён бўлиши яхши гул сифатлари мавжудлиги шароитида ҳам қорақўл териларининг харидоргирлиги ва экспортбоплигини, қўзиларнинг наслий қиммати пасайтиради. Жумладан, сур ранги ва рангбаранглигининг ифодаланиши, уларнинг тери сатҳи бўйича текислиги, сатҳ кенглиги, жун толасининг пегментланиши каби белгиларни киритиш мумкин.

Маълумки, қоракўл маҳсулотининг экспортболик хусусиятларини яхшилашда ранг ва рангбаранглик кўрсаткичларидан ташқари гул хусусиятларини яхшилаш муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу йўналишда турли рангли ва гул типларидаги қўйларнинг наслий маҳсулдорлик кўрсаткичларини ўрганиш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича қатор олимлар томонидан тадқиқот ишлари бажарилган. (С.Ю.Юсупов, 2005; С.Ю. Юсупов, Ў.Кукенов, 2007; А.М.Омбаев, 2003; А.Газиёв, 1989, 2007). Қўзиларнинг тирик вазни жуда муҳим ўрин эгаллайди, чунки қўзиларнинг турли хил тирик вазни қоракўл териларининг сатҳ ўлчами билан узвий боғлиқ ҳамда териларнинг бозоргирлигига катта таъсир қилади.

С.Ю.Юсупов (2005) таъкидлашича, ҳайвонлар тирик вазнини ошиши билан унинг танасида кўпроқ заҳиралар йиғилиб, улар оч қолганда ёки озуқа танқислигида сарфланади. Бир зот ёки сурув ичида гавдаси йирик бўлган ҳайвонлар ўзининг мустақам конституцияси ҳамда саломатлиги билан ажралиб туради.

Кузатишлардан маълум бўлишича, мазкур типдаги ҳайвонларнинг тез етилувчанлигини кўрсатиб берувчи ва кенг қўлланилаётган, кўрсаткич бу ҳайвонларнинг туғилгандаги тирик вазнидир. Ҳомиланинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар унинг тирик вазнига ҳам таъсир қилади. Шунинг учун ҳомиланинг она организмида бўлган вақтида шароитнинг таъсир этиши муҳим кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

А.Газиёвнинг (2000) ўтказган тадқиқотларида аниқланишича қўзилар туғилгандаги тирик вазнини авлоддан авлодга берилиши (h_2) оталари бўйича 0,479-0,319, оналари бўйича эса 0,20 га тенг бўлган.

Қоракўл қўйлари гавдаси бўйича ўртача ва нисбатан майда зотга мансуб бўлса, йирик бола туғади (Б.Н.Васин, 1969; М.Закиров ва бошқалар, 1990). Қўзилар туғилгандаги тирик вазни онасининг тирик вазнининг 10-12 фоизини ташкил этади, келтириб ўтиш жоизки, кўпчилик бошқа қўй зотларида бу кўрсаткич 7-9% дан ошмайди. Бу йирик бола бериш хусусияти кўп асрлик йирик ўлчамдаги товар териларни олишга йўналтирилган мақсадли танлаш натижасидир.

Йирик ва соғлом авлод олиш деярли совлиқнинг ҳолатига боғлиқ (М.Эгамқулов 2005, У.Кукенов 2010, А.Газиёв 2009 ва бошқалар). Бошқача қилиб айтганда хомиланинг эмбрионал даврида нормал ривожланиши учун шароит она организмида яратилади.

А.Газиёв (2009) маълумотларида келтириб ўтишича майда гулли тирик вазни кичик бўлган совлиқлардан туғилганда тирик вазни кичик қўзилар, катта гулли совлиқлардан эса аксинча йирик қўзилар олинади.

Ж. Зокиров ва бошқалар (1990) маълумотларига кўра майда гулли қўзиларнинг тирик вазни кичик, катта гулли қўзиларники эса йирик бўлади. Қоракўл қўзиларининг туғилган вақтдаги тирик вазни уларнинг кейинги ривожланиши, яшовчанлиги ҳамда ташқи муҳит таъсирига мослашувчанлигининг муҳим омилдир. Бундан ташқари қўзиларнинг туғилгандаги тирик вазнига қоракўл терининг сатҳи ва ўлчамлари ҳам боғлиқ бўлади.

Фазилов (2013) маълумотларига кўра майда гулли, тирик вазни кичик қўзилар, катта гулли совлиқлардан эса аксинча йирик қўзилар олинади.

Қатор муаллифларнинг (М.А.Кошевой, 1975; И.Н.Дьячков, 1976; С.Юсупов ва бошқалар, 2010) таъкидлашича қоракўл терилар сатҳи қўзиларнинг тирик оғирлиги билан боғлиқ, лекин қўзилар тирик оғирлиги билан тери сатҳи ва уларнинг товар хусусиятларининг қай даражада боғлиқлиги, ўзгарувчанлиги, бу хусусиятларининг турли шароитларда намоён бўлиши, авлоддан-авлодга ўтиш даражалари батафсил ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам бу масалаларнинг комплекс равишда ўрганилиши, йирик сатҳли, бозор талабларига мувофиқ етиштирадиган қоракўл қўйлар сурувларини яратиш имконини берадиган селекцион усулларни ишлаб чиқариш мумкинлигидан далолат беради.

С.Юсупов ва бошқалар (2015) қоракўл қўзилар вазнининг ўзгарувчанлиги ва бошқа товар хусусиятлари билан боғлиқлиги ўрганилганда янги туғилган қўзиларнинг тирик оғирлигига буғоз совлиқларни сақлаш, озиклантириш шароити ҳамда насл хусусиятларининг таъсир қилиши тасдиқланди ва ушбу қўзиларнинг ички органларини тана ва калла ривожига нафақат қўйларнинг ирсияти балки уларнинг катта-кичиклиги, ранг, урчитиб худудлари ҳам таъсир кўрсатилиши аниқланди.

Туронов М. ва бошқалар (2022) турли ранг-барангликлардаги сур қоракўл қўзиларининг ўсиш ва ривожланиш хусусиятлари ўрганилган ҳамда бир хил шароитда турли рангбаранглик ва гул типларидаги сур қоракўл қўзиларининг тирик вазни ҳамда тана индекслари ўртасида сезиларли тафовут кузатилмаган.

Ҳатамов А (2019) турли этологик типдаги қоракўл сур қоракўл қўйларининг тирик вазни кўрсаткичлари ва унинг динамикасини ўрганилганда I-этологик типдаги қўзиларнинг туғилгандаги тирик вазнининг юқори бўлиши I типдаги қўйларнинг озуқа истеъмолига бўлган фаол реакцияси ва бу реакциянинг улардан олинган авлодларининг тирик

вазнига ижобий таъсир кўрсатиб, ушбу этологик тип ва авлодларнинг барча ёш даврларида юқори тирик вазн кўрсаткичларига эга бўлишига оналарининг озуқага бўлган фаол реакцияси сабаб бўлганлиги натижасида кўп озуқа истеъмол қилиш, уларнинг авлодларининг барча ёш даврларида юқори тирик вазнга эришишини таъминлаган деган хулосага келишган.

Хулоса. Қоракўл қўзиларнинг жуссаси унинг тери сатҳи ва маҳсулдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳайвон тирик вазнининг ошиши билан, унинг барча органлари ва тана қисмлари қатори тери сатҳи ҳам кенгайиб боради. Демак, ҳайвонларнинг ўсишига таъсир қиладиган барча омиллар, унинг тери сатҳи кенглигига ҳам таъсир кўрсатади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Газиев.А Турли экологик шароитида қўйлари селекцион белгиларининг ўзгарувчанлиги. Самарқанд 2009 й.
2. Закиров. М.Д.,С.Ю.Юсупов Қоракўлчилик. Тошкент 1990 й.
3. Юсупов.С Конституциональная дифференциация и продуктивность каракульских овец. Монография. Ташкент 2005 г.
4. Кукенов. У Племеннқе особенности каракульских овец сур Сарибельского заводского типа. Автореф.дисс. канд. С-х наук. Ташкент 2010 й.
5. Фазылов. У.Т. каракульская порода овец. Монография. Самарканд 2013
6. Юсупов С.Ю, Ахмедов Ф.А, Фазилов У.Т, Газиев А. Селекция и пелеменные ресурсы в каракульском овцеводстве. Монография. Ташкент, 2010 г
7. Туранов М., Болтаев А. Турли рангбарангликлардаги сур қоракўл қўйларининг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари. Чорвачилик ва наслчилик иши журнали. 2022 й. №03 25-26 б.
8. Ҳатамов. А. Турли этологик типдаги қорақолпоқ сур қоракўл қўйларининг тирик вазн кўрсаткичлари ва унинг динамикаси. Чорвачилик ва наслчилик иши журнали. 2019 й. №02, 11-12 б.